



## O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 20 » aprel

№ 190

Toshkent sh.

### **Ўзбекистон Республикасида ҳайвонларнинг рўйхати белгиланган юқумли касалликлари пайдо бўлганда, чекловчи тадбирлар (карантин)ни амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Ветеринария тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чорвачилик ва паррандачиликни қўллаб-қувватлаш, соҳада юқори қўшилган қиймат яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 30 январдаги ПҚ–34-сон қарорига мувофиқ мамлакатимиз ҳудудида ҳайвонларнинг рўйхати белгиланган юқумли касалликлари пайдо бўлганда, чекловчи тадбирлар (карантин)ни амалга ошириш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикасида ҳайвонларнинг рўйхати белгиланган юқумли касалликлари пайдо бўлганда, чекловчи тадбирлар (карантин)ни амалга ошириш қоидалари** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

чекловчи тадбирлар (карантин) жорий этиладиган ҳудудларни юқумли касаллик қўзғатувчиларининг биологик ва тарқалиш хусусиятлари ҳамда бошқа хавфлилик даражаларидан келиб чиққан ҳолда белгилаш;

чекловчи тадбирлар (карантин) жорий этилган ва хавф остида бўлган ҳудудларда ветеринария, ветеринария-санитария тадбирларини Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси ва унинг ҳудудий органлари томонидан ўтказиш;

профилактика карантини тадбирларини чегара постларидаги махсус ташкил этилган объектларда, бундай объектлар мавжуд бўлмаганда, ҳайвон эгаларининг хўжаликларида изоляцияланган шароитда амалга ошириш.

2. Чекловчи тадбирлар (карантин) жорий этиладиган ҳайвонларнинг юқумли касалликлари рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасида ҳайвонларнинг рўйхати белгиланган юқумли касалликлари пайдо бўлганда, чекловчи тадбирлар (карантин) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Божхона кўмитаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳамкорлигида амалга оширилади.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2026 йил “ 20 ” апрелдаги 190-сон қарорига  
1-илова

**Ўзбекистон Республикасида ҳайвонларнинг рўйхати белгиланган  
юқумли касалликлари пайдо бўлганда, чекловчи тадбирлар  
(карантин)ни амалга ошириш  
ҚОИДАЛАРИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикасида ҳайвонларнинг рўйхати белгиланган юқумли касалликлари пайдо бўлганда, улар тарқалишининг олдини олиш учун юқумли касалликлар пайдо бўлган ҳудудда чекловчи тадбирлар (карантин)ни амалга ошириш, шунингдек, четдан олиб келинган ҳайвонларни профилактика карантинига қўйиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Қоидалар, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча турдаги ҳайвонларни сақлаш ва ҳайвонлар маҳсулотларини қайта ишлаш фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахсларга татбиқ этилади.

3. Ушбу Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ваколатли орган** – Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармалари, туман/шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимлари;

**ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормалари** – ветеринария соҳасидаги талабларни белгиловчи, давлат органлари ва бошқа органлар, юридик ва жисмоний шахслар риоя этиши шарт бўлган ҳужжатлар;

**ветеринария, ветеринария-санитария тадбирлари** – инсонлар ёки ҳайвонларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф солувчи, мамлакатнинг бутун ёки алоҳида ҳудудида ҳар қандай хавфнинг келиб чиқиши, четдан кириб келиши ва тарқалиши билан боғлиқ ҳайвонларнинг юқумли касалликларидан ҳимоя қилиш учун қўлланадиган чоралар;

**давлат ветеринария хизмати назоратидаги маҳсулотлар** – ҳайвонлар, келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хомашё, ветеринария дори воситалари, микроорганизмлар штаммлари, озиқалар ва озиқабоп қўшимчалар, ветеринария техника воситалари, шунингдек, бозорларда реализация қилинадиган ўсимлик озиқ-овқат маҳсулотлари;

**носоғлом ҳудуд** – ҳайвонларда юқумли касалликларнинг кўзғатувчиси мавжудлиги аниқланган (тасдиқланган) ҳудуд;

**профилактика карантини** – диагностика текширувлари ва ветеринария ишловларини ўтказиш мақсадида импорт қилинган, янги келтирилган, сотиб олинган, кўчирилган ҳайвонларни маълум бир муддатга алоҳида сақлаш;

**чекловчи тадбирлар (карантин)ни жорий этадиган органлар** – Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туман/шаҳар ҳокимликлари.

**чекловчи тадбирлар (карантин)** – ҳайвонлар юқумли касалликлари ўчоқларининг доираси кенгайиб кетишига йўл қўймасликка ва уларни тугатишга, улар тарқалишининг олдини олишга қаратилган, хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятнинг алоҳида тартибини, аҳоли, транспорт воситалари, юклар ва (ёки) маҳсулотлар ҳаракати чекланишини назарда тутувчи маъмурий, эпизоотияга қарши чора-тадбирлар ҳамда бошқа чора-тадбирлар;

**эпизоотия** – тегишли ҳудудда ҳайвонларнинг ўта хавфли ва бошқа юқумли касалликларининг тарқалиши;

**эпизоотиянинг туман/шаҳар даражаси** – юқумли касалликларнинг туман/шаҳар ҳудуди ичидаги касаллик ўчоқлари туман/шаҳар ҳудудининг иккидан бир қисмигача тарқалиши;

**эпизоотиянинг вилоят даражаси** – юқумли касалликларнинг бир неча туман/шаҳарлар ёки вилоятнинг иккидан бир қисмигача тарқалиши;

**эпизоотиянинг республика даражаси** – юқумли касалликларнинг бир неча вилоят ёки республиканинг ҳудудлари бўйича тарқалиши;

**ҳайвон** – барча турдаги сут эмизувчилар, сув ҳайвонлари ёки паррандалар (қушлар), асаларилар;

**ҳайвонларнинг юқумли касалликлари** – пайдо бўлишига касалликларнинг кўзгатувчилари таъсири сабаб бўладиган, тарқалиши ҳамда бошқа ҳайвонларга ва одамга юқиши эҳтимоли мавжуд бўлган касалликлар.

## **2-боб. Чекловчи тадбирлар (карантин)ни жорий этиш ва бекор қилиш қоидалари**

4. Республика ҳудудларида ҳайвонларнинг юқумли касалликлари хавфсизлиги бўйича ветеринария соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши устидан давлат назорати ваколатли органлар, жамоатчилик назорати эса фуқаролар ва жамоатчилик вакиллари томонидан амалга оширилади.

5. Чекловчи тадбирлар (карантин) Ўзбекистон Республикаси бош давлат ветеринария инспектори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман/шаҳар бош давлат ветеринария инспекторларининг тақдимномасига асосан Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туман/шаҳар ҳокимларининг қарорлари билан жорий этилади ва бекор қилинади.

6. Чекловчи тадбирлар (карантин)ни жорий этиш юзасидан тақдимнома ҳайвонларнинг юқумли касалликлари лаборатория усулида аниқланган (тасдиқланган)дан сўнг 24 соат ичида тақдим этилиши шарт.

Бунда чекловчи тадбирлар (карантин)ни жорий этиш бўйича қарор чекловчи тадбирлар (карантин)ни белгилайдиган орган томонидан 48 соатдан кечиктирмасдан қабул қилинади.

7. Тақдимномага қуйидагилар илова қилинади:

ветеринария лабораториялари (ташхис марказлари, илмий-тадқиқот институтлари ва бошқалар)нинг экспертиза хулосаси;

носоғлом ҳудудда чекловчи тадбирлар (карантин)ни жорий этиш тўғрисида қарор лойиҳаси;

чекловчи тадбирлар (карантин) жорий этиладиган ҳудуд ва унинг атрофида амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси;

чекловчи тадбирлар (карантин) жорий этиладиган ҳудуднинг чегараси ва харитаси;

чекловчи тадбирлар (карантин) жорий этиладиган ҳудуддан олиб чиқиш тақиқланадиган ветеринария хизмати назоратидаги маҳсулотлар рўйхати.

8. Чекловчи тадбирлар (карантин) жорий этиладиган ҳудуд юқумли касалликлар қўзғатувчисининг биологик ва тарқалиш хусусиятлари ҳамда бошқа хавфлилик даражаларидан келиб чиқиб белгиланади.

9. Чекловчи тадбирлар (карантин) жорий этиладиган ҳудудларда ветеринария, ветеринария-санитария тадбирларини ўтказиш ваколатли орган томонидан белгиланади.

10. Чекловчи тадбирлар (карантин) қуйидаги тартибда жорий этилади ва бекор қилинади:

туман/шаҳар даражасидаги чекловчи тадбирлар (карантин) туман/шаҳар бош давлат ветеринария инспекторининг тақдимномасига мувофиқ туман/шаҳар ҳокимлари қарори билан жорий этилади ва бекор қилинади. Бунда туман/шаҳар бош давлат ветеринария инспекторининг тақдимномаси тегишли ҳудуддаги участка ветеринария инспекторининг маълумотномасига мувофиқ тайёрланади;

вилоят даражасидаги чекловчи тадбирлар (карантин) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат ветеринария инспекторининг тақдимномасига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари қарори билан жорий этилади ва бекор қилинади. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат ветеринария инспекторининг тақдимномаси туман/шаҳар бош давлат ветеринария инспекторларининг тақдимномасига мувофиқ тайёрланади;

республика даражасидаги чекловчи тадбирлар (карантин) Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспекторининг тақдимномасига

мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарори билан жорий этилади ва бекор қилинади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспекторининг тақдимномаси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат ветеринария инспекторларининг тақдимномасига мувофиқ тайёрланади.

11. Участка ветеринария инспекторининг маълумотномаси лаборатория усулида тасдиқланган экспертиза хулосасига мувофиқ тайёрланади.

Бунда лаборатория хулосаси олингунга қадар, ҳайвонларнинг юқумли касалликлари мавжудлиги гумон қилинганда, унинг кенг тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида, ушбу касалликка қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади.

12. Чекловчи тадбирлар (карантин)ни жорий этган органнинг қарорига кўра чекловчи тадбирлар (карантин) белгиланган ҳудудларда йўлларнинг айланма ҳаракатлари бўйича махсус белгилар, постлар ва шлагбаумлар ўрнатилади ҳамда кечаю кундуз навбатчилик ташкил этилади.

13. Носоғлом ҳудудга кириш-чиқиш жойлари дезгиламча ва дезбарьер билан жиҳозланади, рўйхатга олиш журналлари, ёзув буюмлари ва алоқа воситалари билан таъминланади.

14. Чекловчи тадбирлар (карантин) жорий этилган ҳудудда қуйидагилар тақиқланади:

ҳайвонларни олиб кириш ва уларни олиб чиқиш;

касал ҳайвонларни соғлом ҳайвонлар билан бирга сақлаш ва бошқа бевосита алоқада бўлиши билан боғлиқ ҳолатлар;

бегона шахслар (хизмат кўрсатувчи ходимдан ташқари) ва транспорт воситаларининг кириши ва чиқиши;

давлат ветеринария хизмати назоратидаги маҳсулотларни олиб чиқиш ва уларни реализация қилиш;

келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулотлар, озиқалар ва озиқабоп кўшимчаларни ишлаб чиқариш (ўз эҳтиёжи учун ишлаб чиқариш бундан мустасно) ва олиб чиқиш;

ҳайвон бозорлари, ярмаркалари, кўргазмалари ҳамда улар иштирокидаги мусобақалар, цирк томошалари ва бошқаларни ташкил этиш;

хўжалик ичида ҳайвонларни қайта гуруҳларга ажратиш;

касалликнинг тарқалишига сабаб бўлиши мумкин бўлган бошқа ҳолатлар.

15. Чекловчи тадбирлар (карантин) жорий этилган ҳудудда туман/шаҳар бош давлат ветеринария инспекторининг кўрсатмасига мувофиқ:

давлат ветеринария хизмати назоратидаги маҳсулотлар қайта ишлашга йўналтирилади;

нобуд бўлган ҳайвонлар жасади йўқ қилинади (утилизация қилинади);

ҳайвонлар чиқиндилари (гўнг, тўшамалар, озиқа қолдиқлари ва бошқалар) зарарсизлантирилади ёки йўқ қилинади.

16. Чекловчи тадбирлар (карантин) жорий этилган ҳудудларда ҳайвонларнинг юқумли касаллиги бартараф этилиб, зарур ветеринария, ветеринария-санитария тадбирлари ўтказилганидан сўнг, ушбу касалликка қарши кураш бўйича белгиланган муддат ўтгач, тегишли давлат ветеринария инспектори тақдимномасига мувофиқ чекловчи тадбирлар (карантин) ваколатли орган томонидан бекор қилинади.

Чекловчи тадбирлар (карантин)ни ўтказиш харажатлари тегишли бюджет (хўжалик юритувчи субъектлар) маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

### **3-боб. Республика ҳудудига олиб келинадиган ҳайвонларда профилактика карантинини амалга ошириш тартиби**

17. Республика ҳудудига давлат ветеринария хизмати назоратидаги маҳсулотлар Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспектори томонидан тасдиқланган ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормалари асосида олиб кирилади.

18. Четдан олиб келинадиган ҳайвонлар жўнатувчи ва қабул қилувчи давлатларда, агар халқаро умумэтироф этилган нормаларда бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, профилактика карантинига қўйилади.

19. Республика ҳудудига киритиладиган ҳайвонларда клиник кузатув, зарур диагностика текшируви ва профилактика эмлашлари ўтказиш учун туман/шаҳар бош давлат ветеринария инспектори томонидан профилактика карантини жорий этилади.

20. Профилактика карантини давлат чегара постларидаги махсус ташкил этилган объектларда амалга оширилади, бундай объектлар мавжуд бўлмаганда, ҳайвон эгаларининг хўжаликларида изоляцияланган шароитда ўтказилади.

21. Ҳайвонларни сақлаш ва профилактика карантини тадбирларини ўтказиш учун талаб этиладиган маблағлар ҳайвонларни олиб келувчи субъектлар ҳисобидан қопланади.

22. Профилактика карантини белгиланган ҳудудда қуйидаги ветеринария, ветеринария-санитария тадбирлари жорий этилади:

профилактика карантини ҳудудига касалликка мойил (зарур ҳолларда касалликка чалинмайдиган) ҳайвонларни олиб кириш ва уларни чиқариш, шунингдек, ҳайвон маҳсулотлари ва хомашёлари, хашак, пичан ва бошқа озиқаларни йиғиш;

профилактика карантини ҳудудига бегона шахслар (хизмат кўрсатувчи ходимдан ташқари) ва транспорт воситалари кириши тақиқланади;

профилактика карантини ҳудудидаги ҳайвонларга хизмат кўрсатувчи ходимлар махсус кийимлар ва жиҳозлар билан таъминланади;

профилактика карантини тадбири тугагандан кейин ветеринария хизмати томонидан карантин объектларида дезинфекция тадбирлари амалга оширилади.

23. Четдан олиб келинган ҳайвонларнинг ветеринария ҳужжатларида келгусида уларни сўйиш кўрсатилган бўлса, профилактика карантини тадбирлари амалга оширилмайди.

24. Профилактика карантини даври ўттиз календарь кундан кам бўлмаслиги шарт.

25. Профилактика карантини эҳтиёжи, унинг давомийлиги ва шароитлари туман/шаҳар бош давлат ветеринария инспектори томонидан белгиланади.

26. Профилактика карантини даврида ҳайвон касалликка гумон қилинса, қайта диагностика текшируви хулосаларига кўра, унинг муддати узайтирилиши мумкин, шунингдек, касаллик мавжудлиги тасдиқланганда, ваколатли орган томонидан чеклов тадбирлари (карантин) жорий этилади.

27. Профилактика карантини даврида ҳайвонларнинг диагностика текшируви натижасига кўра, уларда юқумли касалликлар аниқланганда, ваколатли орган ҳайвонларни олиб келишни тақиқлайди.

28. Жисмоний ва юридик шахслар четдан ҳайвонлар олиб келиши тўғрисида туман/шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимини ўттиз календарь кундан кам бўлмаган муддатда ёзма равишда огоҳлантиради.

29. Ҳудудий давлат ветеринария хизмати томонидан жисмоний ва юридик шахслардан олинган маълумотлар асосида беш иш куни мобайнида ҳайвонларни профилактика карантинига қўйиш режаси ишлаб чиқилади ва тасдиқланади ҳамда уч иш куни мобайнида жисмоний ва юридик шахсларга юборилади.

30. Профилактика карантини режасида унинг муддати ва шартлари, клиник кўриқдан ўтказиш ҳамда диагностика текшируви ўтказиладиган ва ишлов бериладиган касалликлар рўйхати ҳамда уларни ўтказиш санаси кабилар кўрсатилади.

31. Профилактика карантини режасига мувофиқ диагностика текширувлари ҳайвонларнинг қуйидаги юқумли касалликлари бўйича ўтказилади:

**йирик шохли молларда** – бруцеллёз, туберкулёз, паратуберкулёз, лейкоз, трихомоноз, кампилобактериоз, хламидиоз, лептоспироз;

**майда шохли молларда** – бруцеллёз, юқумли эпидидимит, лептоспироз, блутанг, хламидиоз;

**туяларда** – бруцеллёз;

**тоқ туёқли ҳайвонларда** – манқа, жинсий қочириш касаллиги.

32. Бошқа турдаги касалликлар бўйича текширишлар, агарда республика ҳудудида бошқа бирор турдаги касалликнинг профилактикаси ёки уни батамом йўқотиш бўйича дастур амалга оширилаётган бўлса, ўтказилади.

33. Қўшимча диагностика текширувлари ва ветеринария ишловлари (шу жумладан, эмлаш тадбирлари) қабул қилувчи томон сўровномасига асосан юкумли касаллик пайдо бўлганда ёки касалликка гумон қилинганда, амалга оширилади.

34. Диагностика текширувлари ва ветеринария ишловлари ҳудудий давлат ветеринария хизмати томонидан амалга оширилади.

35. Агар диагностика текширувларини ўтказиш жараёнида жўнатувчи томон ҳудудида касаллик аниқланса ёки гумон натижалари олинса, белгиланган тартибда бу ҳақида зудлик билан қабул қилувчи давлатнинг ваколатли органи ёки хўжалик юритувчи субъекти хабардор қилинади.

36. Агар диагностика текширувлари ўтказилиши жараёнида қабул қилувчи томон ҳудудида касаллик аниқланса ёки гумон натижалари олинса, бу ҳақда зудлик билан жўнатувчи давлатнинг ваколатли органи ёки хўжалик юритувчи субъекти хабардор қилинади.

#### **4-боб. Яқунловчи қоидалар**

37. Чекловчи тадбирлар (карантин) жорий этилган ҳудудда ҳайвонлар тўғрисидаги ахборотлар, ёзувлар, профилактика тадбирлари ҳамда касал ҳайвонлар тўғрисидаги маълумотлар қайд этиб борилади.

38. Ушбу Қоидалар талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2026 йил “ 20 ” апрелдаги 190-сон қарорига  
2-илова

## **Чекловчи тадбирлар (карантин) жорий этиладиган ҳайвонларнинг юқумли касалликлари рўйхати**

### **I. Турли хил ҳайвонлар учун умумий касалликлар**

1. Оқсил (яшур)
2. Куйдирги
3. Ауески касаллиги
4. Лептоспироз
5. Туберкулёз (сил)
6. Бруцеллёз (қўчқорлар эпидидимити)
7. Ўлат
8. Қутуриш
9. КУ-иситма
10. Листерия
11. Некробактериоз
12. Везикуляр стоматит
13. Пастереллёз
14. Трихофития
15. Чечак

### **II. Қорамоллар касалликлари**

16. Нодуляр дерматит касаллиги
17. Говаксимон энцефалопатия
18. Контагиозли плевропневмония
19. Парагрипп-3 касаллиги
20. Қорасон
21. Инфекцион ринотрахеит
22. Эфемер иситмаси касаллиги
23. Лейкоз
24. Ёмон сифатли катарал иситма

### **III. Қўй ва эчкилар касалликлари**

25. Эчкилар инфекцион плевропневмонияси
26. Контагиоз пустулёзли стоматит (дерматит-эктима)
27. Қўйларнинг инфекцион туёқ чириш касаллиги
28. Инфекцион агалактия
29. Қўйларнинг хламидиозли аборти
30. Кампилобактериоз
31. Қўйларнинг инфекцион энтеротоксемияси
32. Қўйларнинг браздот касаллиги

### **IV. От, эшак ва туялар касалликлари**

33. Отларнинг инфекцион энцефаломиелитлари
34. Отлар гриппи
35. Африка ўлати

36. Манқа
37. Инфекцион анемия
38. Контагиозли плевропневмония
39. Ринопневмония

#### **V. Чўққалар касалликлари**

40. Вирусли гастроэнтерит
41. Африка ўлати
42. Инфекцион атрофик ринит
43. Сарамас

#### **VI. Паррандалар касалликлари**

44. Ньюкасл касаллиги
45. Юқори патогенли грипп
46. Инфекцион бурсит-Гамборо касаллиги
47. Марек касаллиги
48. Респиратор микоплазмоз
49. Пуллароз
50. Инфекцион бронхит
51. Инфекцион ларинготрахеит

#### **VII. Асаларилар касалликлари**

52. Америкача чириш касаллиги
53. Европача чириш касаллиги
54. Варратоз
55. Сурункали вирусли фалаж
56. Халтасимон чириш касаллиги
57. Тропилелапсоз

#### **VIII. Балиқ касалликлари**

58. Аэромоноз
59. Бронхиомикоз
60. Вирусли септицемия
61. Фурункулёз

#### **IX. Мўйнали ҳайвонлар касалликлари**

62. Қоракўзан (норка)лар псевдомонози
63. Қоракўзан (норка)ларнинг алеут касаллиги
64. Қуёнларнинг миксоматози
65. Қуёнларнинг геморрагик касаллиги

#### **X. Республика худудида илгари рўйхатга олинмаган барча турдаги ҳайвонларнинг юқумли касалликлари**

